АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАНСУРОВА МАЛИКА АСҚАРОВНА

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА ЖАДИД АДИБЛАРИ ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УЎК 821.512.133

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological sciences

Мансурова Малика Асқаровна
Ҳозирги ўзбек насрида жадид адиблари образининг бадиий талқини.....3

Мансурова Малика Аскаровна
Художественная интерпретация джадидских писателей в современной узбекской прозе……...…….…25

Mansurova Malika Asqarovna
Literary interpretation of the jadid writers' images in modern Uzbek prose.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..51

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАНСУРОВА МАЛИКА АСҚАРОВНА

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА ЖАДИД АДИБЛАРИ ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Fil1338 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuull.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Каримов Баҳодир Нурметович** филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Тожибоева Муқаддас Абдураҳимовна** филология фанлари доктори, доцент
	Сатторова Гулноз Юнусовна филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «21» 12 соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.tsuull.uz); e-mail: monitoring@www.tsuull.uz.)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (241 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44.)

Диссертация автореферати 2022 йил «10» 12 куни тарқатилди.

(2022 йил «10» 12 даги 2 рақамли реестр баённомаси).

И.И.Адизова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

У.Ҳ.Жўрақулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида тарихий-биографик жанр, улардаги ижодкор шахс образлари поэтикаси ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва уни миллий адабиёт сатҳида тадқиқ этиш зарурати филология соҳасида ҳам жиддий вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Айниқса, жаҳон адабиётшунослигида муайян давр адиблари ижоди ҳамда уларнинг ижодкор образини яратишдаги поэтик изланишларини тадқиқ этишнинг янги метод ва усуллари пайдо бўлмоқдаки, бу бадиий асарнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ ўрганиш имкониятини яратмоқда. Адабиётшунослик фани ўз объектига янги нигоҳ билан қараш орқали жадид адиблари образларининг бадиий талқинини ўрганиш муаммоларини чуқурроқ тадқиқ этиш йўлидан боряпти. Зеро, ҳикоя, қисса ва романлардаги жадид адиблари образларининг поэтикасини таҳлилий ўрганиш зиёлиларнинг маънавий олами, дунёқарашини, шунингдек, ёзувчиларнинг тафаккур тарзига хос қонуниятларни ифодалашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Дунё адабиётшунослигида, хусусан, насрий асарлардаги жадид адиблари образлари поэтикаси муаммосига янгича ёндашиш, бадиий-эстетик хусусиятларини ёритиш, ёзувчи бадиий маҳоратини очиш, тарихий-биографик асарларда поэтик нутқ ва услуб масаласини англаш долзарб илмий масала сифатида кун тартибига чиқмоқда. Бунда энг муҳим вазифа муайян жадид адиблари образлари, тасвир ва ифоданинг ўзига хос талқини билан боғлиқ. Дунё адабиётшунослигида ижодкор образи поэтикасига нисбатан алоҳида ёндашувлар кузатиляпти. Бу борада янги давр адабиётшунослигида муҳим муаммо ҳисобланган жадид адиблари образларининг бадиий талқинини чуқур ва атрофлича тадқиқ этиш асосий вазифа этиб белгиланди. Дарҳақиқат, жадид адиблари образларининг бадиий талқинини ўрганиш муайян давр прозасининг бадиий поэтик кўламини белгилашда алоҳида ўрин тутади.

Истиқлол йилларида маданий меросни тадқиқ этиш, миллий ифтихор ҳамда қадриятларни англаш зарурати бугунги давр миллий адабий мероси моҳиятига янада чуқур кириб бориш, бадиий асарларнинг жаҳон адабиёти ривожидаги муносиб ўрнини асослаш, ҳозирги ўзбек насрига кучли таъсир ўтказган ижодкорлар меросини ўрганишни тақозо этмоқда. Бугунги маданий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар жараёни ўзбек адабиётшунослиги олдига бир қатор янги вазифаларни қўймоқда. “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”[1]. Шу сабабли жадид адиблари ҳаётига бағишланган асарларни тарихий манбалар билан қиёсий ўрганиб, уларнинг ўзига хос

[1] Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. // Халқ сўзи, 2017 йил, 4 август.

жиҳатларини аниқлаш адабиётшунослик соҳасида чуқур изланиш олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сонли фармойиши ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётшуносликда жадид адибларинииг ҳаёти ва бадиий меросини ўрганиш масаласига бағишланган қатор тадқиқотлар юзага келди. Б.Қосимов, Н.Каримов, Ҳ.Болтабоев, Д.Қуронов, У.Жўрақулов, Б.Каримов, Н.Йўлдошев, И.Ғаниев, Л.Тошмуҳамедова, Н.Авазов, А.Бобониёзов, З.Маҳмудова, С.Махсумхонов, С.Тўлаганова, Н.Давурбоева, Ҳ.Азимова, Н.Соатова, М.Умарова, Ш.Тўйчиева, У.Султонов, Г.Эрназарова, М.Тожибоева, Д.Жабборова, Ш.Хожиеваларнинг[2] диссертацион ишларида, китоб, рисола ва мақолаларда

[2] Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати. –Т.: Маънавият, 2010. – 320 б.; Каримов Н. Чўлпон: Маърифий роман. –Т.: Шарқ, 2003. – 464 б.; Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. филол.фан.док.дис. –Т.: 1996. – 366 б.; Куронов Д. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида характерлар психологизми. филол.фан.ном.дис. –Т.: 1992. – 165 б.; Ўша муаллиф. Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида) филол.фан.док.дис.–Т.: 1998. –284 б.; Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. филол.фан.ном.дис. –Т.: 1998. – 158 б.; Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси. филол.фан.док.дис. –Т.: 2002. – 304 б.; Йўлдошев Н. Чўлпон шеъриятида пейзаж. филол.фан.ном.дис. –Т.: 1994. –169б.; Ғаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси. филол.фан.док.дис. –Т.: 1998.– 299 б.; Тошмуҳамедова Л. Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари. филол.фан.ном.дис. –Т.: 2005. – 144 б.; Авазов Н. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ижодий мероси. филол.фан.ном.дис. –Т.: 1995. – 217 б.; Бобониёзов А. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида тасвирий воситалар ва тил бадиияти. филол.фан.ном.дис. – Т.: 1995. – 122б.; Маҳмудова З. Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романининг миллий ўзига хослиги. филол.фан.ном.дис. –Т.: 1996. – 130 б.; Махсумхонов С. Абдулла Қодирий ижодида ҳажвий характер муаммоси. филол.фан.ном.дис. –Т.:1997. –156 б.; Тўлаганова С. Ўзбек романчилигида ёрдамчи қаҳрамон ва

жадид адибларидан[3] Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий ва Чўлпонларнинг ижодига хос бўлган қирраларни, ижодкор услуби, поэтик маҳорати атрофлича, турли аспектда ўрганилиб, жадид маърифатпарвар адибларининг асарлари поэтикасига доир қимматли фикрларни ўзида жамлаган.

Хориж адабиётшунослигида В.Г.Белинский, М.Храпченко, М.М.Бахтин, В.В.Виноградов, В.Жирмунский[4], Т.Гуманова, Н.Данилова, Г.Казанцева, И.Минаева, Л.Трофимов[5] каби олимларнинг диссертация ва илмий асарларида адабиётшуносликдаги бадиий образ масаласи, биографик асарларнинг ўзига хослиги ҳамда ижодкор образини яратишда муаллифларнинг турлича ёндашувлари таҳлил қилиниб, назарий хулосалар билдирилган.

Адабиётшунос А.Тўйчиев “Ўзбек насрида жадид образи талқини”[6] мавзусидаги номзодлик диссертациясида асосий эътиборини насрдаги жадид образлари, уларнинг шаклланиш тамойилларига қаратган. Жадид адибларининг образлари ҳам маълум ўринларда ўрганилганлиги билан аҳамиятлидир. Тадқиқотда Т.Маликнинг “Қалдирғоч” қиссасидаги Абдулла

унинг бадиий функцияси. (Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек романлари асосида) филол.фан.ном.дис. –Т.: 1999. –128 б.; Ўша муаллиф. Ижодкор шахсияти ва бадиий қаҳрамон муаммоси (Абдулла Қодирий ижоди мисолида). филол.фан.док.дис. –Т.: 2019. – 244 б.; Давурбоева Н. Фитрат драмаларида миллий озодлик ғоясининг талқини. филол.фан.ном.дис. –Т.: 1999. – 158 б.; Азимова Ҳ. Абдулла Авлоний драматургияси (ғоявийлик ва маҳорат). филол.фан.ном.дис. –Т.: 1999. – 137 б.; Соатова Н. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида эпик тасвир анъаналари. филол.фан.ном.дис. –Т.: 2001. – 137 б.; Умарова М. Тарихий драмада бадиий вақт концепцияси (Шекспир ва Фитрат драмалари мисолида). филол.фан.ном.дис. –Т.: 2011. – 128 б.; Тўйчиева Ш. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида ижодкор дунёқараши ва бадиий услуб муаммолари. филол.фан.ном.дис. –Т.: 2006. – 141 б.; Султонов У. Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари. филол.фан.ном.дис. –Т.: 1995. – 143 б.; Эрназарова Г. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадиий талқини (Абдулҳамид Чўлпон, Ғафур Ғулом, Абдулла Орипов шеърияти мисолида). филол.фан.ном.дис. –Т.: 2001. – 147 б.; Тожибоева М. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари. филол.фан.док.дис. –Т.: 2017. – 269 б.; Жабборова Д. Истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигида Чўлпон ижоди талқинлари (шеърияти ва насрий асарлари мисолида) филол.фан.б.ф.док. (PhD) дис. –Т.: 2018. –136 б.; Хожиева Ш. Чўлпон шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиш тамойиллари. филол.фан.б.ф.док. (PhD) дис. –Т.: 2019. – 140 б.

[3] Қўшжонов М. Қодирий – эрксизлик қурбони. –Т.: Фан, 1992. – 96 б.; Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. –Т.: Ёзувчи, 1994. – 48 б.; Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Т.: Маънавият, 2002. – 400 б.; Ўша муаллиф. Маслакдошлар. –Т.: Шарқ, 1994. – 160 б.; Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. –Т.: Фан, 2006. – 232 б.; Рўзимуҳаммад Б. Чўлпон – тонг юлдузи демак... (Абдулҳамид Чўлпоннинг педагогик қарашлари). –Т.: Ўқитувчи, 1997. – 72 б.; Ойбек. Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли. Мукаммал асарлар тўплами. (Ўн тўққиз томлик). – Т.: Фан, 1979. – 113-179 б.; Норматов У. Қодирийнинг сўнгги илтижоси. –Т.: Movarounnahr, 2014. – 64 б.; Қулжонов А. Танланган асарлар (Учинчи жилд). Лирик олам, романтик кўлам (Чўлпон ва Ҳамид Олимжон ижодиёти). – Г.: Зиё, 2009. – 292 б.

[4] Белинский В. Танланган асарлар. –Т.: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1955. – 511 б.; Храпченко М. Горизонты художественного образа. – Москва.: Художественная литература, 1986. – 439 с.; Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Жўрақулов У. Таржимаси. –Т.: Академнашр, 2015. – 286 б.; Виноградов В. О языке художественной литературы. – Москва: Гослитиздат, 1959. – 656 с.; Жирмунский В. Сравнительное литературоведение. – Ленинград: Наука, 1979. – 495 с.;

[5] Гуманова Т. Образ Ч.Диккенса в английской биографической прозе XIX – XXI веков. дисс. кан.филол.наук. – М.: 2018. – 201 с.; Данилова Н. Традиции отечественной художественно- биографической прозе в литературе мордовии. дисс.кан.филол.наук. – Саранск: 2000. – 159с.; Казанцева Г. Беллетризованные биографии В.П.Авенариуса “Пушкин” и “Михаил Юрьевич Лермонтов”: история, теория, поэтика жанра. дисс.кан.филол.наук. – Йошкар-Ола: 2004. –239 с.; Минаева И. Автор и герой в художественных биографиях Б.К.Зайцева “Жизнь Тургенева”, “Жуковский”, “Чехов”. дисс.кан.филол.наук. – Ростов-на-Дону: 2005. – 194 с.; Трофимов Л. Художественное отображение жизни и деятельности И.Я.Яковлева в чувашской литературе. дисс.кан.филол.наук. – Чебоксары.: 2005. – 183 с.

[6] Тўйчиев А. Ўзбек насрида жадид образи талқини. филол.фан.ном.дис. –Т.: 2001. – 148 б.

Авлоний образи ҳамда О.Мухторнинг “Афлотун” асаридаги Фитрат образлари таҳлилга тортилган ва уларни яратишдаги ёзувчининг маҳорати баҳоланган.

Тадқиқотчилардан З.Амиркулованинг “Мустақиллик даври ўзбек ҳикояларида тарихий шахслар образининг бадиий талқини” номли диссертациясида Отаулининг “Маҳмудлар” туркумидан ўрин олган “Видо” ҳикояси ҳам таҳлилга тортилган бўлиб, Маҳмудхўжа Беҳбудий образини ҳикоя жанрида яратишдаги ўзига хослик ўрганилган. Бундан ташқари, Д.Қуроновнинг “Ижодий жасорат меваси”[7] номли мақоласида Н.Жалолиддиннинг “Тегирмон” романи ва ундаги Чўлпон образи ҳақидаги қарашлари акс этган. Олима Г.Сатторованинг “Замонавий ўзбек қиссасида Абдулла Қодирий сиймоси”[8] мақоласи Х.Дўстмуҳаммаднинг “Ёлғиз” қиссаси бадийяти, тарихий-биографик ҳақиқат ва руҳият тасвирини яратишда ижодкор маҳорати тадқиқ этилиб, Абдулла Қодирий биографиясининг бадиий талқини ва меросининг биографик асарда қайта яратилиши ҳақидаги мулоҳазаларни ўзида жамлагани билан ажралиб туради.

Тарихий асарлар ҳамда улардаги бадиий образ[9] масаласи кенг кўламда тадқиқ этилган бўлса-да, хусусан, жадид адиблари образининг бадиий талқини масаласи махсус ўрганилган эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари” доирасида бажарилган.

---

[7] Қуронов Д. Ижодий жасорат меваси // Шарқ юлдузи. № 2, 2015. – 42-43 б.

[8] Сатторова Г. Замонавий ўзбек қиссаларида Абдулла Қодирий сиймоси / “Абдулла Қодирий ижодининг мустақиллик давридаги ижтимоий-маънавий-маърифий аҳамияти” мавзусидаги Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. –Т.: 2019. – 62-63 б.

[9] Самандаров И. Ўзбек тарихий романларида тарихийлик. филол.фан.ном.дис. –Т.: 1992. – 145 б.; Хажиева Ф. Биографик роман жанри хусусиятлари (И. Стоун, М.Қориев ва Н.Норқобилов асарлари қиёсида). филол. фан.б.ф.док. (PhD) дис. –Т.: 2018. – 153 б.; Носиров А. Тарихий ҳақиқат ва унинг бадиий талқини (“Юлдузли тунлар” романи мисолида). филол.фан.ном.дис. –Т.: 1999. – 127 б.; Каримов Ҳ. Тарихий шахс ва бадиий образ. филол.фан.ном.дис. –Т.: 1999. – 151 б.; Муродов Ғ. Тарихий романнинг муштараклик ва ўзига хосликлар уйғунлиги муаммолари. филол.фан.док.дис. (DSc) –Т.: 2018. – 263 б.; Тўраева Б. Тарихий романларда бадиий замон муаммоси. (О.Ёқубов ва П.Қодиров романлари мисолида) филол. фан. б.ф.док. (PhD) дис. –Т.: 2018. – 148 б.; Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари. филол.фан.ном.дис. –Т.: 2001. – 129 б.; Раҳматов Й. Тарихий достонларда тарихий шахс образининг эпик талқини (“Ойчинор” ва “Шайбонийхон” достонлари мисолида) филол.фан.ном.дис. –Т.: 2009. – 139 б.; Юлдошева С. Бадиий-биографик қиссалар поэтикаси (“Қиссаи Иброҳим Адҳам”, “Қиссаи Сайид Насимий”, “Қиссаи Машраб” асарлари асосида). филол.фан.ном.дис. – С.: 2012. – 155 б.; Кўбаев Қ. Ўзбек қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат (60-80 йиллар). филол.фан.ном.дис. – Т.: 2001. – 132 б.; Шарафиддинов О. Чўлпон. – Т.: Чўлпон, 1991. – 112 б.; Қўшжонов. М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Т.: Халқ мероси нашриёти, 1994. – 136 б.; Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Т.: Шарқ, 2004. – 287 б.; Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. –362 б.; Каттабеков А. Художественное воплощение личности и исторической эпохи в современной узбекской прозе. дисс.док.филол. наук. – Т.: 1986, - 398 с; Ўша муаллиф. Тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат. – Т.: Фан, 1982. – 128 б.; Муродов Ғ. Тарихий роман: генезиси, кейинги тараққиёти. –Т.: Фан, 2005. – 170 б.; Мирвалиев С. Ўзбек романи. –Т.: Фан, 1969. – 313 б.; Ўша муаллиф. Абдулла Қодирий кашфиёти. –Т.: MASHHUR-PRESS, 2018. – 208 б.; Мухаммаджонова Г. Мустақиллик даври ўзбек насрида ижодкор инсон концепцияси. филол.фан.док. (DSc). дис. – Ф.: 2022. – 250 б.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек адабиётшунослигида сўнгги йилларда яратилган жадид адиблари бадиий тимсолининг тарихий шахслар ҳаёти ва фаолиятига мувофиқлиги насрнинг уч жанри доирасида текширилиб, ижодкор образининг яратилиш тамойилларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бадиий образ, ижодкор образи ва прототип атамаларининг асосий хусусиятларини аниқлаш ва уларни бирлаштириб турувчи жиҳатларини очиб бериш;

насрий асарлардаги бадиий образлар билан жадид адибларининг ҳаёти ва фаолиятига оид тарихий маълумотларни қиёсий ўрганиш, сюжет воқеаларининг тарихий-биографик асосларини топиш, бундай асосга эга бўлмаган тўқима эпизодларни асарга киритилиш сабабларини аниқлаш;

тарихий мавзудаги ҳикоя ва қиссаларда жадид адиблари образини яратишдаги поэтик изланишларни таҳлил қилиш орқали ёзувчиларнинг бадиий маҳоратини кўрсатиш;

тарихий-биографик романларда жадид адиблари образининг индивидуал хусусиятларини ва ҳар бир муаллифнинг ўзига хос ёндашувини кўрсатиш;

тарихий-биографик романларнинг поэтик нутқ ва услубий ўзига хослигини очиб бериш ҳамда диалогнинг бадиий образ характерини очишдаги ўрнини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек адабиётида яратилган Наби Жалолиддиннинг “Тегирмон”, Абдулҳамид Исмоилнинг “Жинлар базми ёхуд катта ўйин” романлари, Тоҳир Маликнинг “Қалдирғоч” қиссаси (кейинчалик ўзгартирилиб, “Савоҳил” дея номланган қиссаси билан биргаликда), Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ёлғиз”, Иномжон Шавкатовнинг “Арслон елкасидаги хазина” қиссалари, Раҳимжон Отаев (Отаули) “Видо”, “Дийдор”, “Дастурхон” ва Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Умид гули” ҳикоялари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ҳозирги ўзбек насрида жадид адибларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий ва Чўлпонларнинг бадиий сиймосини ўрганиш, ўзбек адабиётида ижодкор образини яратишдаги муҳим жиҳатларни аниқлаш, тарихий шахс образи билан прототипни қиёсий аспектда таҳлил қилиш, бадиий ҳақиқатнинг тарихий ҳақиқатга нечоғли мос эканлигини текшириш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, биографик, социологик, психологик, герменевтик ҳамда лингвопоэтик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбек адабиётида яратилган жадид адибларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпонларнинг бадиий образи илк бор насрнинг уч жанри мисолида текширилиб, жаҳон ва ўзбек адабиётида мавжуд бўлган ижодкор образлари асосида шаклланганлиги исботланган;

жадид адибларининг ҳаёти ва фаолиятини ёритишга бағишланган ҳикоя ва қиссаларда тарихий манбаларнинг ўрни, жадид адиблари образларининг индивидуал хусусиятлари ва ёзувчиларнинг тарихий воқеликни акс эттиришдаги ёндашувлари аниқланган;

тарихий-биографик роман жанрида жадид адиблари образини яратиш имкониятларининг кенглиги, тарихий шахс образини яратишда прототипнинг ўрни Абдулҳамид Чўлпон ва Абдулла Қодирий образлари орқали очиб берилган;

жадид адиблари акс этган романлардаги поэтик нутқнинг тарихийликка асосланганлиги, муаллифларнинг жадид адиблари образини яратишдаги услубий ўзига хослиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

адабиётшуносликда ижодкор образини яратиш тамойилларининг назарий асослари ёритилган;

ижодкор образи ҳақидаги хилма-хил қарашлар қиёсланиб, илмий-назарий хулосалар билдирилган;

ҳозирги ўзбек тарихий ҳикояларида яратилган жадид адибларининг образлари реал тарихий шахслар билан қиёсий ўрганилган;

биографик қиссаларда жадид адиблари образини яратишдаги афзалликлар ўрганилиб, тарихий шахс образлари прототиплари билан солиштирилган ва улар орасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар аниқланган;

тарихий-биографик романларда жадид адиблари сиймосини гавдалантиришдаги индивидуал хусусиятлар ўрганилиб, асарлардаги поэтик нутқ ва услубий ўзига хосликлар асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, илмий-назарий хулосалар қиёсий-типологик, биографик, социологик, психологик, герменевтик ҳамда лингвопоэтик таҳлил усуллари орқали асослангани, ишончли илмий ҳамда адабий манбалардан фойдаланилгани, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва назарий хулосалари амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жадид адиблари образлари поэтикасига оид назарий қарашларни бойитиши, хусусан, ҳикоя, қисса ва роман жанри назариясига доир тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимидаги бакалавриат, магистратура босқичлари учун “Адабиётшуносликка кириш”, “Адабиёт назарияси”, “Янги ўзбек адабиёти”, “Ҳозирги адабий жараён”, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Бадиий таҳлил асослари” фанлари ва ўқув курслари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуалар тайёрлашда ҳамда ихтисослик фанларини ўқитишда манба бўлиб хизмат қилиши мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги ўзбек насрида жадид адиблари образининг бадиий талқини масаласини ўрганиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

жадид адабиётининг ёрқин сиймоларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпонларнинг ҳозирги ўзбек насридаги бадиий образларини яратишнинг аҳамияти, тарихий шахс образи ва прототип масаласи билан боғлиқ жиҳатларга доир илмий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган ОТ- F1-030 рақамли "Ўзбек адабиёти тарихи" кўп жилдлик монографияни (7 жилд) чоп этиш" (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 17 майдаги 04/1-942-сон маълумотномаси). Натижада насрнинг уч жанрида тарихий ижодкор образини яратиш тамойиллари, тарихий ва бадиий ҳақиқатнинг асарларда акс эттирилиши, бош қаҳрамон характерини ёритишда тўқима образларнинг ўрни ва аҳамияти хусусидаги қарашлар билан бойитилган;

ўзбек адабиётшунослигида жадид адиблари сиймосининг бадиий адабиётдаги тасвирига бағишланган асарлар, ўзбек адабиётида жадид адиблари образлари поэтикаси ўз тараққиётининг янги сифат босқичига кўтарилгани, улар поэтикага оид назарий қарашларни янгича ёндашувлар билан бойитиши, хусусан, ҳикоя, қисса, роман назариясига доир тадқиқотлар учун асос сифатида хизмат қилишига оид илмий-назарий хулосаларидан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган "BV-Atex-2018-(143) рақамли "Кўзи ожиз шахслар учун компьютер техникасидан фойдаланиш, матнларни ўқиш ва ёзиш имконини берувчи ўзбек тилига асосланган гапирувчи дастурий таъминот ва овоз синтезаторини ишлаб чиқиш" мавзусидаги (2018-2020 йй.) амалий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 27 сентябрдаги 02-2685-сон маълумотномаси). Натижада "Ўзбек тили ўзлашма сўзларининг урғули луғати" да келтирилган аллитерация, адабий манба, бадиий деталь, бадиий образ, ҳикоя, қисса, роман, герменевтика, типология, лингвопоэтика, поэтик нутқ, поэтик маҳорат, поэтик тасвир, прототип, портрет, диалог, реплика, наср, проза, поэзия, шеър, шеърият каби лексик бирликлар изоҳи билан бойитилган;

тарихий-биографик асарларда образ яратишдаги бой тажрибалар ва ижодий ёндашувлар, жадид адибларининг бадиий образини яратишда тарихий манбаларнинг ўрни ва муаллифнинг уларга бўлган муносабати каби илмий хулосалардан "O'zbekiston" телерадиоканали ДМ таркибидаги "O'zbekiston tarixi" телеканалида намойиш этиладиган "Тақдимот", "Мавзу" кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "O'zbekiston" телерадиоканалининг 2022 йил 13 майдаги 02-06-626-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув материаллари ҳозирги ўзбек насрида тарихий ижодкор образини яратиш тамойиллари, тарихий факт ва бадиий талқин, поэтик нутқ ва услубий ранг-баранглик, бадиий тўқиманинг тарихий асарлардаги ўрни ва вазифасига доир маълумотлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 160 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ойдинлаштирилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг жорийланиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Адабиётда бадиий образнинг адабий-назарий талқини масаласи”** деб номланган бўлиб, у икки фаслдан иборат. Бобнинг **“Бадиий адабиётда ижодкор образига хос айрим хусусиятлар”** номли биринчи фаслида адабиётшуносликда ижодкор образи борасидаги назарий қарашлар ҳамда ижодкор образини яратишдаги ўзига хос бўлган тамойиллар ўрганилган. Бу борада нафақат адабиётшунос олимларнинг, балки ижодкор образини яратишда катта ютуқларга эришган ёзувчиларнинг ҳам қарашларига таянилди.

Бадиий адабиётнинг яратувчилари бўлган ижодкор сиймосини тасвирлаш ўз навбатида мураккаб ҳамда масъулиятли жараён ҳисобланади. Тарихий асарлардан фарқли ўлароқ марказида тарихий ижодкор образи акс этган биографик наср намуналари сони тобора ортиб бормоқда. Умуман, тарихий асарлар, уларнинг жанр хусусиятлари, тарихий шахс образи ва реал шахс муносабатлари масаласи адабиётшунослик илмида кўплаб олимларни қизиқтириб келган. Ҳозирда тарихий асарлар икки турга бўлиб ўрганилади:

1. Асар марказида машҳур шахслар турган барча воқеа ва ҳодисалар, шу шахс атрофида сюжетга киритилган жанрнинг мукаммал шаклидан иборат ҳақиқий тарихий асарлар (Тарихий – биографик роман деб ҳам юритилади).

2. Асар марказига машҳур тарихий шахслар олинмаган, бироқ тарихнинг айрим нуқталарини сюжетда акс эттирадиган мавзу жиҳатидангина тарихий асар деб аталадиган роман ва қиссалар[10].

Ўзбек адабиётшунослигида тарихий – биографик асарлар тадқиқига бағишлаб кичик мақолалардан тортиб йирик тадқиқотлар кўринишигача қатор илмий изланишлар олиб борилди. Жумладан, адабиётшунос олим А.Каттабековнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эгадир. Олим, айниқса, “Навоий” романи ва ундаги ижодкор образининг яратилиши сабаблари масаласига алоҳида тўхталиб, назарий қарашларини баён қилган. Унинг ижодкор образини яратишда ёзувчилар эътибор қаратиши лозим бўлган жиҳатлар, Ойбекнинг ижодкор образини яратиш услуби, ижодкор образини яратиш тамойиллари ҳақидаги қарашлари ҳам аҳамиятлидир.

Ирвинг Стоуннинг “Биографик қисса ҳақида” (Оксфорд университетида ўқилган маъруза)си ўзига хослиги билан ажралиб туради. Муаллиф биографик қисса қаҳрамонини яратишда эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим жиҳатларни бирма-бир санаб ўтган. Биринчидан, қаҳрамони ҳақидаги барча материалларни синчиклаб ўрганмоғи лозимлигини алоҳида қайд қилиб ўтган. Иккинчидан, қаҳрамони яшаган муҳит тасвирини беришдан олдин, у ерларни ўз кўзи билан томоша қилиб келишни муҳим, деб ҳисоблаган.

Ўз асарларида ижодкор образини гавдалантирган ёзувчиларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ҳам биз учун муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек адабиётшунослигида буюк мутафаккир ҳисобланган Навоий сиймосини яратган сўз устаси Ойбекнинг бу борадаги қарашлари “Навоий” романини қандай ёздим” мақоласида ўз ифодасини топган. Ёзувчи Навоийнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ барча тарихий материалларни чуқур ўрганиб, ўша даврни ва Навоийни хаёлан тасаввур қилгандан сўнг асарни ёзишга киришганлиги баён қилинган.

Қозоқ халқининг моҳир сўз устаси, Абай ҳаётига бағишланган роман-эпопея муаллифи М.Авезов ижодкор образи акс этган асарнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида ижод психологиясини ҳамда кейинчалик ифода қилинган поэтик майлларнинг тарихий-реал илдизларини ҳам кўрсатиш муҳим эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Адабиётшунос олим Ҳ.Каримовнинг “Тарихий шахс ва бадиий образ” мавзусидаги номзодлик диссертациясида Ҳамза образининг бадиий талқини масаласи тарихийлик нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган. Ишда Ҳамза тимсоли тарихий шахснинг ҳаёти ва фаолиятига боғлиқ ҳолда ўрганилган.

Адабиётшунос И.Ёқубов “Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси” номли монографиясида биографик методнинг адабиётшуносликдаги ўрни, маърифий ва маърифий-биографик романларнинг юзага келиши ҳамда унинг асосий хусусиятларини таҳлил этар экан, Н.Жалолиддиннинг “Тегирмон” романида тасвирланган Чўлпон образига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган.

[10] Қўшжонов М. Танланган асарлар. –Т.: Шарқ, 2019. – Б. 438.

С.Д.Панченко, С.Мирвалиев ва А.Каттабековларнинг тадқиқотлари ижодкор образини яратиш тамойиллари чуқур ёритиб берилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

И.Самандаров тадқиқотида тарихийлик, реал тарихий қаҳрамонлар, тарихий-биографик роман масаласини тадқиқ этган бўлса, тадқиқотчи Ф.Хажиеванинг диссертациясида хориж ва ўзбек адабиётшунослигидаги биографик романларнинг тараққиёт босқичлари, бу турдаги романлар ҳақидаги турлича қарашлар қиёсий аспектда ўрганилган, америка ва ўзбек адабиётидаги биографик романларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари тадқиқ этилган. А.Муллаев эса замонавий тожик адабиётидаги ижодкор образини яратиш тамойиллари, тарихий асослари, тарихийлик ва замонавийлик масаласи, тарихий факт ва бадиий тўқима, таҳлилга тортилган асарларнинг муаллифлари эришган ютуқларига алоҳида эътибор қаратган.

Ижодкор образи ва унинг бадиий-эстетик вазифаси, бадиий маҳорат масаласи С.Тўлаганова, Н.Аҳмедов, С.Қуронов, Г.Мухаммаджонова каби олимлар томонидан турлича ёндашувлар асосида ўрганилган.

Юқоридаги кузатишлар асосида маълум бўлдики, бадиий адабиётдаги тарихий ижодкор образи турли аспектда ўрганилган бўлиб, уларда кўпроқ тарихий ҳақиқат ва бадиий образ муносабатлари, бадиий маҳорат, ижодкор образини яратиш тамойилларига асосий урғу берилган. Уларда жадид маърифатпарвар адибларининг бадиий сиймоси ҳақида баъзи ўринларда мулоҳазалар билдирилган, бироқ уларни яхлит ҳолда тизимли равишда ўрганиш бугунги адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидандир.

Биринчи бобнинг **“Тарихий шахс образи масаласи”** деб номланган иккинчи фаслида бадиий образ яратишнинг прототип асосида ва умумлаштириш йўли мавжудлиги ҳақидаги назарий қарашлар ўрганилиб, Жек Лондоннинг “Мартин Иден” ва Мухтор Авезовнинг “Абай”, “Абай йўли” номли тўрт жилддан иборат роман-эпопеяси таҳлил қилиниб, улардаги ижодкор образининг яратилиш масаласи тадқиқ этилди.

Бадиий асарнинг ички олами, унда акс эттирилган воқелик бадиий образларнинг нақадар жонли ва юксак маҳорат билан яратилганлигига боғлиқдир. Тарихий шахс образини тадқиқ қилишда прототип масаласи муҳим аҳамият касб этади. “Адабиётшунослик луғати”да прототип атамаси кенг изоҳланган.

Адабиётшуносликда образ атамаси таърифида ҳам унинг яратилиш усуллари ҳақида сўз юритилиб, бадиий образ яратишнинг икки хил усули, яъни прототип асосида (конкрет) ва умумлаштириш йўли мавжудлиги ҳам қайд қилинган. Ижодкор образини яратишда ҳам ушбу икки усулдан фойдаланилади. Биринчи усулга прототип асосида яратилган образлар, яъни ўтмишда яшаб ўтган ёки муаллиф билан замондош бўлган ижодкорларнинг образини яратиш киради. Бунга Ойбекнинг “Навоий” романидаги Навоий образи, П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романида Бобур сиймоси, Н.Жалолиддиннинг “Тегирмон” романидаги Чўлпон, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Ёлғиз” қиссасидаги Абдулла Қодирий образлари мисол бўла олади.

Иккинчи усул асосида яратилган образлар умумлашма бўлса-да, унда муаллифнинг олам ҳақидаги қарашлари, жамият ҳақидаги ўй-хаёллари, келажак ҳақидаги орзу-мақсадлари акс этади. Бундай қаҳрамонлар сирасига машҳур ёзувчи Жек Лондоннинг “Мартин Иден” романидаги Мартин Иден образи мисол бўла олади.

Адабиётшунос олимлардан Т.Бобоевнинг “Адабиётшунослик асослари” китобида бадиий образ яратишнинг икки усули, яъни умумлаштириш ва прототип асосида образ яратиш каби турлари мавжудлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Прототип масаласида адабиётшунослардан Б.Каримов, А.Улуғовларнинг назарий қарашлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги адабиётшунос олим ва тадқиқотчиларнинг прототип борасидаги қарашларида умумийлик ва ўзаро яқинлик мавжудлигини кузатдик. Барчаларида “прототип”ни бадиий образнинг илк асоси сифатида қараш устунлик қилади. Прототипнинг муҳим жиҳатларини ўрганиш жараёнида кўплаб манбаларга, масалан, ёзувчининг ўз кундаликларига, бутун ўй-кечинмаларини ўзида акс эттирган ижодиётига, замондошларининг у ҳақидаги хотираларига ҳамда тарихий шахс яшаган даврни яхшироқ англаш учун тарих илмига таянилади.

Жаҳон адабиётида умумлаштириш йўли билан ижодкор образини яратишда Жек Лондоннинг “Мартин Иден” романи катта ютуққа эришган. Бу образни яратишда, аввалombор, ўзининг ҳаёти, ижод соҳасидаги билим ва интилишлари асос бўлган. Романда бош қаҳрамоннинг таниқли ёзувчи бўлгунга қадар босиб ўтган ҳаёт йўли тасвирланган.

Буюк тарихий сиймоларнинг ижод намуналари, босиб ўтган ҳаёт йўллари бугунги авлод учун улкан ҳаёт мактабидир. Бугунги кунга қадар биографик асарларда ижодкор образини яратиш борасида кўплаб халқлар адабиётида анчагина тажрибалар амалга оширилди. Жумладан, қозоқ адабиётининг етук сўз усталаридан бири М.Авезовнинг бу соҳадаги изланишлари ҳам таҳсинга лойиқдир. Истеъдодли ижодкор М.Авезовнинг Абай ҳаётига бағишланган катта ҳажмли асарини, ундаги ижодкор образининг яратилиш асосини ўрганиш Абай (Иброҳим) Қўнонбоев ва у яшаган давр ҳақидаги тасаввурларимизни янада кенгайтиради.

Абай Қўнонбоев илгари сурган ғоялар, у интилган янгиликлар беихтиёр жадид маърифатпарварларини ёдга солади. Улар ўртасида бир қанча муштарак жиҳатлар мавжуд.

Бугунги кунга қадар ўзбек адабиётида яратилган асарлар орасида тарихий-биографик асарлар анчагина. Уларнинг катта қисмида ижодкор образи ва унинг ҳаёт йўли орқали у яшаган тарихий давр манзаралари ҳам тасвирланган. Бундай ижод намуналарига Ойбекнинг “Навоий”[11], П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар”[12], М.Каримнинг “Моҳларойим”,

[11]Аҳмедов Н. Ўзбек адабиётида Алишер Навоий сиймосини талқин этиш муаммолари. фил.фан.док.дис. –Т.: 1994.

[12]Носиров А. Тарихий ҳақиқат ва унинг бадиий талқини (“Юлдузли тунлар” романи мисолида). фил.фан.ном.дис. –Т.: 1999.

К.Яшиннинг “Ҳамза”[13], Ҳ.Ғуломнинг “Машраб” романлари ва М.Осимнинг “Синган сетор” қисса[14], С.Сиёевнинг “Аҳмад Яссавий”[15] ва “Аваз” каби романларини киритиш мумкин. Бугунги кунга қадар ушбу романлар юзасидан монографик шаклдаги тадқиқотлар амалга оширилганлиги адабиётшуносларнинг бу борадаги илмий изланишлари салмоғини кўрсатиб берган.

Иккинчи боб **“Ҳозирги ҳикоя ва қиссаларда жадид адиблари сиймосининг акс эттирилиши”** деб номланган. Бобнинг биринчи фасли **“Замонавий ҳикояларда жадид адиблари образи талқини”**ни ўрганишга бағишланган. Бу фаслда жадид адибларининг ҳаёти ёритилган ҳикоялардан Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Умид гули” ва Отаулининг (Раҳимжон Отаев) “Видо”, “Дастурхон”, “Дийдор” ҳикоялари тадқиқ этилган.

Тарихий асарларни яратишдаги мураккабликлар ҳикоя жанрини ҳам четлаб ўтмайди. Тарихий ҳақиқатни чуқур ўрганган ёзувчи унинг бадиий талқинини ҳам яратишда тарихийлик тамойилларига асосланиб иш кўриши лозим. Шундагина ёзувчи реал қаҳрамон ҳаракатланган, фаолият олиб борган тарихий давр ва воқеликка китобхонни ишонтира олади ҳамда тарихий шахсларнинг бадиий адабиётимиздаги янги қирраларини ҳаққоний кўрсатишга эришади.

Тарихий ҳикоялар орасида истеъдодли ёзувчи, адабиётшунос олим Х.Дўстмуҳаммаднинг “Умид гули” ҳикояси кўпгина жиҳатлари билан ажралиб туради. Ёзувчи Фитрат ҳаётидаги энг муҳим даврлардан бирини, яъни Москвага чақирилиб олинган вақтини тасвирлаган. Бу ерда биргина шеърни туғилиши бутун ҳикоянинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Фитрат қаламига мансуб кўплаб ижод намуналари мавжуд, бироқ муаллиф айнан “Менинг кечам” шеърининг яратиши тарихини баён қилишга ҳаракат қилган. Бунинг сабабларидан бири сифатида шеър Ботунинг “Менинг кундузим” ижод намунасининг ҳам дунёга келишига туртки бўлганлигини кўрсатиш мумкин. Бугунги кунга қадар бу икки шеърнинг дунёга келиши ва ўша пайтдаги Фитрат ва Ботунинг муносабатлари ҳақида адабиётшунослар орасида турлича талқинлар мавжуд. Х.Дўстмуҳаммад қайсидир маънода бу талқинларга ўз ечимини беришга ҳаракат қилган дея оламиз. Негаки, тарихий манбаларнинг қай бири ҳақиқатга яқинлиги ҳамда ишонарлилигини муаллиф танлайди ва уни бадиий талқин этади.

Биринчи ўзбек драмасининг асосчиси, жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиларидан бири истеъдодли ижодкор Маҳмудхўжа Беҳбудий тарихимизда ўчмас из қолдирган сиймолардандир. Сўнгги йилларда унинг насрий асарлардаги бадиий образини яратишда моҳир ёзувчи Отаули (Раҳимжон Отаев) “Видо” номли ҳикояси орқали бу борадаги изланишларни бошлаб берди. Ҳикоя “Маҳмудлар” туркумига кирувчи тарихий ҳикоялар таркибидан ўрин олган бўлиб, унда Беҳбудий ҳаётининг сўнгги кунлари акс

[13] Каримов Ҳ. Тарихий шахс ва бадиий образ. фил.фан.ном. дис. –Т.: 1999.
[14] Мусурмонов Э. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини. фил.фан.ном.дис. – С.: 1995.
[15]Оманова М. Истиқлол даври ўзбек романларида шайх валийлар образининг бадиий талқинлари. фил.фан.б-ча фал.док. (PhD) дис. –Ж.: 2022.

эттирилган. Бизнинг назаримизда, айнан жадид маърифатпарвари ҳаётининг бу қисмини танлашдан мақсад барчага бирдек қизиқ бўлган “сирли ўлим”нинг ечимини кўрсатишга интилиш бордек. Негаки, Беҳбудийнинг ўлими билан боғлиқ турлича тахминлар мавжуд. Муаллиф улар орасидан айнан жадид адибларидан яна бири Фитратнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларига таяниб умумий хулосага келган академик Наим Каримов талқинини асос қилиб олган.

Отаулининг жадид адибларининг образларини яратишга бағишланган “Дийдор” ва “Дастурхон” ҳикоялари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Тарихий мавзудаги ҳикоялардан ўрин олган диалогларда қаҳрамонларнинг ички дунёси кўрсатилиши билан бирга асардаги тарихий давр ва муҳитнинг умумий қиёфаси ҳам ўз аксини топади. Отаули диалогларни пухта ва пишиқ тарзда ифодалашга, уни ғоявий бойитишга уринган. Унинг ижодида шундай ҳикоялар борки, уларнинг катта қисмини диалоглар ташкил қилади. Чўлпон ва унинг отаси Сулаймонқул баззоз учрашувлари акс эттирилган “Дийдор” дея номланган ҳикоя ана шундай ҳикоялар сирасига киради. Бу ҳикоядаги ижодкор образининг ички дунёси, руҳий ҳолати, отаси билан бўлган муносабати ҳамда даврнинг умумий қиёфаси асосан диалог асосида ёритилганлиги сабабли ҳикояни таҳлил қилишда шу жиҳатларга асосий эътибор қаратилган.

Муаллифнинг жадид адибларига бағишланган яна бир ҳикояси “Дастурхон” дея номланган бўлиб, унда бир даврда яшаб, бирга ижод қилган уч буюк ижодкор (Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат ва Чўлпон) ва улар ўртасидаги учрашув тасвирланган. Ҳар икки ҳикоянинг ўхшаш жиҳатларидан бири шуки, уларда учрашув мотивининг етакчилигидир. Ҳар икки ҳикояда ҳам воқеа қоронғу тушганда юз беради. Ижодкор ташқарини зимистон дея тасвирлаш билан фақатгина тунни эмас, балки зулматга айланган даврни ҳам назарда тутган.

Бобнинг **“Замонавий қиссаларнинг муҳим мавзуси: жадид адиблари ҳаёти ва ижоди”** деб номланган иккинчи фаслида Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ёлғиз”, Тоҳир Маликнинг “Савоҳил” (“Қалдирғоч”), Иномжон Шавкатовнинг “Арслон елкасидаги хазина” қиссаларида яратилган жадид адибларининг образи ўрганилган.

Ёзувчи ижодкор образини яратишда турлича ёндашиши мумкин, бунда асосий планга унинг қайси жиҳати қўйилишига боғлиқ: маърифатпарварлиги, ижодкорлиги, матбуотчилик фаолияти, инсонпарварлиги кабилар. Ҳар бир жанрнинг ички имкониятларини ҳисобга оладиган бўлсак, катта эпик жанрлар ижодкор образини ҳар тарафлама ҳамда катта давр фонида бериш имконига эга. Биргина тарихий шахс образининг бутун ҳаётини кўрсатиш орқали муаллиф у яшаган тарихий давр, миллий урф-одатлар, замондошларининг ҳаёт тарзи ва орзу-интилишларини ҳам кўрсатиб беради. Ўрта эпик жанрда эса тарихий ижодкор образини тасвирлашда бироз тор доирада амалга оширилса-да, бош қаҳрамон ҳаётини маълум бир қисми батафсил ёритилади.

Биографик асарларни ижодкор ҳаётини қамраб олиш жиҳатидан қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Муаллиф тарихий шахснинг бутун ҳаёти ва фаолиятини тасвирлайди. Масалан, П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, Н.Жалолиддиннинг “Тегирмон” романлари каби.

2. Муаллиф қаҳрамон биографиясидаги энг муҳим қисмни тасвирлашни мақсад қилади. Тоҳир Маликнинг “Савоҳил” қиссасида Абдулла Авлонийнинг ҳаёти шу асосида ёритилган, Х.Султоновнинг “Саодат соҳили” қиссасида эса Бобур ҳаёти қаламга олинган.

3. Муаллиф, ижодкор образини у ёзган асар қаҳрамонлари билан биргаликда ҳаракатлантириш асосида сюжетни яратиши мумкин. А.Исмоилнинг “Жинлар базми ёхуд катта ўйин” романидаги қаҳрамон ҳаёти каби.

4. Муаллиф тасвирлаётган қаҳрамоннинг унчалик машҳур бўлмаган ёки кўпчиликка қизиқ бўлса-да, фақат илм аҳлига маълум бўлган воқеаларни бадиийлик мезонлари асосида қайта тиклайди.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Умид гули” ҳикояси ва “Ёлғиз” қиссаси мазкур тўртинчи тасниф асосида ёзилган. Бу қиссада Абдулла Қодирийнинг 1926 йил бошларида эълон қилган “Йиғинди гаплар” мақоласи сабабли оғир кунларни бошидан кечирганлиги тасвирланган. Бу ҳақида кенг жамоатчилик фақатгина ҳибсга олинганлигини билади, холос. Унинг айнан қамоқхонадаги ҳаёти кўпчиликка номаълум. Мана шу воқеанинг танланиши Х.Дўстмуҳаммаднинг ютуқларидан бири ҳисобланади. Бунда тарихий шахс ҳисобланган, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий шахсияти прототип вазифасини ўтаган.

Х.Дўстмуҳаммад бош қаҳрамон ҳаёт йўлини ёритишда ҳамда сюжет воқеаларини яратишда аксарият ҳолларда Абдулла Қодирийнинг замондошлари хотираларига таянганлигини кўриш мумкин.

Абдулла Қодирий – ижодкор шахс бўлиб, унинг сиймосини яратишда ижодий жараён тасвирисиз образ мукаммаллигига эришиб бўлмайди. Қиссада кўпроқ унинг публицистик фаолиятига асосий эътибор қаратилганлиги ҳамда 1926 йилдаги оғир кунлар биргина мақола сабабли содир бўлганлиги учун муаллиф Абдулла Қодирийнинг мақоласидан муҳим қисмларни асарга киритган ва бу орқали китобхонга унинг мазмунини таништиришга уринган.

Тоҳир Малик ижодига мансуб “Қалдирғоч” қиссаси маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний ҳаётини ёритишга бағишланган. Ҳар бир давр адиблар ижодига таъсир қилмасдан қолмайди. Бироқ давр ўзгариши билан ижодкорнинг ўз асарига бўлган муносабати ҳам ўзгариши, ундаги хато ва камчиликларни ўзи англаб етиши ва уни яна қайта ишлаши мумкин. Бунга истеъдодли ёзувчи Тоҳир Маликнинг ўз асари устида қайтадан ишлагани мисол бўла олади.

Т.Маликнинг “Савоҳил” қиссасида яратилган Асадулла Мираъламов образи учун тарихий шахс Абдулла Авлоний прототип вазифасини бажарган. Асарда бош қаҳрамон Асадулла Мираъламнинг элчилар сафида Кобулга

бориб, қўшни Афғонистон мамлакати билан дўстлик алоқаларини ўрнатишда жонбозлик кўрсатганлиги ва бу йўлдаги қийинчиликлари тасвирланган.

Бадиий адабиётдаги Беҳбудий образининг бадиий талқинини яратиш анъанасини ёш ижодкорлардан Иномжон Шавкатов муносиб давом эттирди. Унинг "Арслон елкасидаги хазина" қиссаси нафақат Беҳбудий сиймосини акс эттиришга, балки муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек "Миллат озодлиги учун азиз жонини фидо, умрини бахшида этган мунаввар зотлар хотирасига бағишланган"[16]лиги билан ҳам ажралиб туради.

Қиссада ҳам юқорида таҳлил қилинган Отаулининг "Видо" ҳикоясидаги каби Беҳбудий ҳаётининг охирги йиллари қаламга олинган бўлиб, асосий воқеалар унинг ўлими билан боғлиқ саҳналар томон етаклайди. Асарда Беҳбудийнинг 1919 йилнинг баҳорида Шаҳрисабзда қўлга олиниши ва Қаршига келтирилиши ҳамда Қарши беги Тоғайбек томонидан қатл этилиши билан боғлиқ воқеалар тарихий фактлар асосида талқин этилган.

Асарда Беҳбудий билан Амир Олимхон ўртасидаги диалогда "Оқ елпиғичли аёл ҳақида" жадид адибининг ўзи сўзлаб бериши ўз асарига ишорадир, бироқ ғазабланиб турган Амирнинг бирдан ўзгариб қолиши унчалик ишонарли эмас. Беҳбудийнинг биографияси билан боғлиқ маълумотлар асосан муаллиф нутқи орқали баён қилинган. Муаллиф асар тили устида бироз ишлаб, қаҳрамонларни ўша давр тилида сўзлатганда асарнинг бадиий қиммати янада ошган бўларди. Асар қисса жанри сифатида белгиланса-да, унда Беҳбудийнинг жадид адиби сифатидаги қиёфаси тўлиқ очиб берилмаган.

Диссертациянинг **"Замонавий ўзбек романларида жадид адиблари образи"** номли учинчи бобининг илк фасли **"Романда жадид адиблари образининг индивидуал хусусиятлари"** деб аталган бўлиб, унда тарихий-биографик романларда яратилган жадид адибларининг образлари таҳлилга тортилиб, уларнинг индивидуал хусусиятлари ўрганилган.

